



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 28 апрель, № 83 (6518) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

### Қуёш фотоэлектр станцияси туҳфа қилинди

#### Қорақалпоғистон Республикаси

Тўрткўл туманидаги “Ёнбошқалъа” қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги ҚВПга “Экосан” халқаро хайрия жамоат фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими томонидан қуёш фотоэлектр станцияси туҳфа этилди. Натижада бу ердаги мавжуд табиий жиҳозларнинг узлуксиз ишлашига шароит туғилди. Бинобарин, 7 минг нафар

дан зиёд аҳолига кафолатланган малакали лойиҳа асосида реконструкция қилиниб, замонавий масканга айлантирилган эди, — дейди унинг бош шифокори Реймажон Исмаилова. — Ушбу совға эса унинг имкониятларини янада кенгайтирди. Бундан жуда хурсандимиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Экспортда салмоқли кўрсаткич

#### Андижон

Олтинкўл туманидаги “Крав текс” кўшма корхонаси беш йилдан буён энгил sanoat соҳасида самарали фаолият юритиб келаяпти. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган 20 турдаги газлама ва 30 хилдаги кийим-кечакларнинг 80 фоизи Европа ҳамда қўшни давлатларга етказиб берилмоқда.

Утган йили модернизациялаш тадбирларидан сўнг корхонанинг қуввати янада ортди. Жумладан, Италиядан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида кунига 10 тоннагача матога гул бошиш имконияти юзага келди. Янги ўрнатилган куриштиш ва дазмоллаш дастгоҳлари эса 1,2 тоннагача хом ашёга қайта ишлов бериш қувватига эга.

Саидхон ШУКУРОВ.

### Энгил ва мустаҳкам

#### Наманган

Наманган туманидаги қурилиш sanoati корхоналари сафига Муллақудин қишлоғида ташкил этилган “Тошбулоқ фарми” масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди.

Шу тариқа бу ерда илгор технология асосида деворбоп ашёлар тайёрлашга киришилди. Ҳозир кичик бизнес субъектида ювилган кум, цемент ва бошқа қўшимчалар асосида беш турдаги гишт иш-

лаб чиқарилмоқда. Бу эса унинг одатдагидан бирмунча энгил ва мустаҳкамлигини таъминлаяпти.

— Маҳсулотимиз сифати миқозларимизга маъқул келмоқда, — дейди жамият иш бошқарувчиси Шерзод Йўлдошев. — Фаолиятимизнинг дастлабки кунларида фақат фуқаролардан буюртмалар қабул қилган бўлсак, эндиликда йирик бунёдкорлик жамоалари ҳам харидорларимиз сафига қўшилди.

Қудратилла НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Корхона қуввати ошди

#### Қашқадарё

Китоб туманидаги “Китоб ип йиғирув” акциядорлик жамиятида йилига 2700 тонна калава ип тайёрлаш қувватига эга янги линия ишга туширилди.

Умумий қиймати 12 миллиард сўмга тенг ушбу техник ва технологик янгиланишлар вилоят sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилди.

— Ҳозирги кунда дастгоҳларимиз тўла қувват билан ишлаяпти, — дейди корхона раҳбари Фахриддин Азизов. — Буюк Британиянинг “Edel Trading” компанияси билан қарийб 200 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома имзолаганмиз. Айни пайтда мазкур буюртма устида иш олиб бормоқдамиз. Шунингдек, экспорт жүрғузиясини кенгайтириш борасида Европанинг бир қатор мамлакатларидаги миқозлар билан музокаралар ўтказаяпмиз.

Этироф этиш керакки, “Китоб ип йиғирув” акциядорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ташқи бозор учун мўлжалланган.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Саноат ривожини йўлида мустаҳкам ҳамкорлик

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари, Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплексларининг тармоқ sanoat ярмаркаси ва кооперация биржаси иш бошлади.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 3 мартдаги “2016 йилда Халқаро sanoat ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Х Халқаро sanoat ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил қилинди.

#### ЯРМАРКА



Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур йирик форум тармоқларно кооперацияни ривожлантириш асосида sanoat корхоналарида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, харидорлар ҳамда ҳорижий ҳамкорлар топиш

учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Натижада соҳага жалб этилаётган чет эл инвестициялари оқими кўпайиши бораборида, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ортмоқда. Шу боис ушбу тадбирнинг нуфузи ошиб, унга бўлган қизиқиш тибора кучаяпти. Утган йилги ярмаркада 530 дан зиёд



корхоналар қатнашиб, 2500 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар намойиш қилинган, пировардида маҳсулот етказиб бериш ҳамда экспорт қилиш бўйича умумий ҳажми 166,4 миллиард сўмлик ва қарийб 50 миллион АҚШ долларлик шартномалар имзолангани бунинг яққол далилидир.

Ташкилотчиларнинг айтишича, жорий йилда бу борадаги кўрсаткичлар янада ортиши кутулаяпти. Чунки анжуман қат-

нашчилари ҳам, улар томонидан тақлиф этилаётган маҳсулот ва хизматлар тури ҳам кўпайган. Аниқроғи, унда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноатэкспорт”, “Ўзбекизоқвақатхолдинг”, “Ўздонмаҳсулот”, “Ўзқурилишматериаллари” компаниялари, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятлари, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси тизимидаги 700 дан зиёд корхоналар,

шунингдек, 600 га яқин кичик бизнес субъектлари иштирок этмоқдаки, улар томонидан қўшимча қийматга эга бўлган 3 минг хилдаги sanoat маҳсулотлари намойиш қилинапти. Қувонарлиси, бу маҳсулотларнинг аксарият қисми Маҳаллилаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш ўзлаштирилган янги турдаги халқ истеъмоли молларидир.

(Давоми 2-бетда).

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Бугун юртимизда амалга оширилаётган эзгу ишлардан ҳар қанча қувонсак, арзийди. Ҳар қадамда бунёдкорлик, ҳар гўшада янгиланиш ва яшариш. Бундай ютуқларга эса тинч ҳамда осуда ҳаёт туфайли эришяпмиз.

### Ҳар бир кундан завқланиб яшаяпмиз

Буни ўзим яшаётган олис Узун тумани мисолида айтганидан бўлсам, истиқлол йилларида худудимизда қурилган маҳобатли мактаб коллежларда неварачевараларим яйраб, яшнаб билим олишмоқда. Масалан, 5-синфда ўқиётган

чеварам Рустамжон ҳам компьютердан бемалол фойдалана олади. Фарзандларим эл хизматида. Туманимиз маркази ҳамда олис қишлоқлар кун сайин чирой очмоқда. Шаҳар қиёфасидаги янги намунавий уйлاردан иборат массивларни айтмайсиз-

ми?! Қолаверса, тикувчилик маҳсулотларидан тортиб, бир вақтлар олис ўлкалардан келтириладиган мебеллар, том ёпишда қўлланадиган шиферни ҳам туманимиз тадбиркорлари ишлаб чиқараётгани, айниқса, қувонарлидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз фуқароларининг муносиб, фаровон ҳаёт кечиршини таъминлаш давлатимизнинг устувор вазифаси бўлиб келмоқда. Биз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари га юксак эҳтиром кўрсатаяпти. Кунга кеча неварам газетадан ўқиб берди: Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинибди.

(Давоми 2-бетда).

## «Спорт дунёси»га марҳамат

Тошкентда “Спорт дунёси — 2016” иختисослаштирилган кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан “Ўзэкспомарказ” мажмуидаги павильонлардан бирида ташкил этилди.

#### КўРГАЗМА

Мазкур ўзига хос форум таълим-тарбия тизимининг узвий қисми ҳисобланган болалар спорти моддий-техника базасини янада такомиллаштириш, соғлом

турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, соҳадаги бизнес тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадларга қаратилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, баркамол авлодни воёга етказиш борасида кенг қамров-

ли сай-ҳаракатлар амалга оширилиб, юксак натижаларга эришилаётгани айтиб ўтилди. Жумладан, шаҳару қишлоқларимизда кўркам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилиб, уларни зарур ускуна ҳамда инвентарлар билан жиҳозлаш, ана шу иншоотлардан самарали фойдаланишга алоҳида аҳамият берилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## Инсон ҳуқуқлари устуворлигининг ёрқин намунаси

Мамлакатимизда инсон омилига қаратилган юксак эътиборнинг амалий ифодасини ҳар бир фуқаронинг эркин касб танлаши, ўзи қизиққан соҳа бўйича билим ва малака эгаллаб, меҳнат қилишини кафолатлаш борасидаги кенг қўламли ишловлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Чунончи, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида ҳар йили юртимизда бир миллионга яқин иш ўринлари ташкил қилинмоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш жадал давом этириляпти. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида таъсирчан давлат ва жамоатчилик назорати йўлга қўйилган фуқароларнинг адолатли меҳнат шароит-

ларида ишлаш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқаришга хизмат қилаяпти.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иختисослаштирилган муас-

#### САНА

сасаси — Халқаро меҳнат ташкилотига 1992 йилда аъзо бўлган ва ҳозиргача ушбу тузилманинг ўн учта Конвенцияси ратификация қилинган. Утган давр мобай-

нида юртимизда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яхлит тизими шакллантирилди. Қолаверса, бандлик соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий механизми мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқдаки, буларнинг барчаси пировард мақсад — ҳар бир шахснинг эркин касб танлаб, меҳнат қилиб, фаровон турмуш кечирishiга замин яратмоқда.

Миллий қонунчилигимизга кўра, меҳнатни муҳофаза қилиш фуқароларнинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ҳамда даволаш-профилактика тадбирлари ва воситалари тизимидан иборат бўлиб, бу республикамизда меҳнат муносабатларида инсон манфаатлари олий даражага қўйилганини тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

## Кўзларда қувонч, дилларда ғурур

Хоразмда мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллиги муносабати билан “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан “Биз — буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.



олимлар, спортчилар, ёзувчи ҳамда шоирлар қатнашди.

Анжуман 18 та лойиҳани қамраб олган бўлиб, “Бу менинг Ватаним”, “Замонамиз қаҳрамонлари”, “Депутат ва ёшлар”, “Нуронийлар эъзозимизда” каби мавзулардаги мулоқотлар шулар жумласидандир. Улардан бири Питнак шаҳарчасида — “GM Uzbekistan” акциядорлик жамиятининг вилоят филиалига қарашли “Хоразм авто” заводиди бўлиб ўтди. Бу ерда иштирокчилар “Сиз севган қаҳрамонлар” лойиҳаси бўйича ёш автомобилсозлар билан учрашди.

Юртимиз иқтидорли фарзандларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли жаҳбаларда эришаётган ютуқларини рағбатлантириш, навқирон авлодни миллий кадриятларимизга ҳурмат, садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган мазкур акцияга умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, талабалар, ижодкорлар кенг жалб қилинди. Бинобарин, фестиваль доирасида ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирларида пойтахтдан ташриф буюрган маданият ва санъат вакиллари, ёш

Огаҳий номидаги вилоят драма театрида Қорақалпоқ давлат университети “Жайхун” театр-студияси томонидан намойиш этилган “Тебранмас юраклар” спектакли барчада катта таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмиталари томонидан ўтказилган йилгилишда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг 2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурининг ижросини Наманган, Хоразм вилоятлари мисолида ўрганиш натижаларига оид ахбороти эшитилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда

Мажлисида сенаторлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, "Ўзбекистоннинг" лизинг компанияси, "Сувлойиҳа", "Ўзимёсанот", "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик жамиятлари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ННТ ва ОАВ вакиллари ҳамда Наманган, Хоразм вилоятларидан соҳа ходимлари, олимлар, экспертлар қатнашди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг "2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, унинг таркибидagi бўлинмалар томонидан давлат унитар корхоналари билан ҳамкорликда гидроме-лиоратив тизимларнинг, кол-лектор-дренаж ҳамда суғориш тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, уларнинг техник ҳолатини яхшилаш, тежамкор суғориш технологияларини жорий этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Республикамиз қишлоқ ҳўжалигига олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли қишлоқ мулкдорларининг манфаатларини таъминлаш, экин майдонларининг унумдорлигини ошириш, ердан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий қилиш каби муҳим йўналишларда салмоқли натижаларга эришилаётгани таъкидланди. Айниқса, соҳа тараққиётини кафолатлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий базанинг такомиллашуви фермер ва деҳқонларимиз фаолиятидаги ютуқларнинг негизи ҳисобланмоқда. Ўтган йили юртимизда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд галла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони барпо этилган, мева-сабзавотчилик, бодғорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқлар ҳам жадал суратларда ривожланиётгани бунинг яққол ифодасидир.

Мелиорация ва ирригация объектларини, суғориш тармоқларини қуриш, уларни қайта тиклаш ҳамда таъмирлаш сифатини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2013 — 2015 йиллар мобайнида белгиланган вазифалар бажарилди. Бу эса ўртача ва кучли шўрланган ерларни камайитириш, сизот сувлар сатҳи 2 метрга етадиган майдонларни қисқартириш имконини берди.

Умуман олганда, Давлат дастурига мувофиқ, мелиорация тадбирлари олиб берилган экин майдонларидаги унумдорлик пахтачиликда ўртача 3-4 центнер, галлачиликда 4-5 центнер ошди.

Тадбир давомида Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ахборотини таҳлил қилиш мазкур соҳада муайян камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Сенаторлар, соҳа мутахассислари уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқдилар. Давлат дастурининг 2016 — 2017 йиллардаги ижросини таъминлашда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари томонидан назоратни кучайтириш зарурилги таъкидланди.

Яқунда кўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Фарида МАҲҚАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Саноат ривожига йўлида мустақкам ҳамкорлик

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Ўтган йили тармоқ саноат ярмаркасида махсулотларимизни кенг намойиш этган эдик, — дейди пойтахтимиздаги "Rossi Plus" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Галина Чебан. — Шундан сўнг ишимиз юришиб кетди. Чунки унинг доирасида кўплаб буюртмалар олишга муваффақ бўлдик. Бу гал эса 45 хилдаги қандолат махсулотларини таклиф қилаяпмиз. Италия технологияси асосида тайёрланган ширинликларимизнинг сифати юқорилиги боис уларга қизиқиш катта бўлмоқда.

"Ўзбекизоқвақатхолдинг" компанияси вакили Баҳодир Юнусовнинг қайд этишича, жорий йилги тармоқ саноат ярмаркасида 70 дан зиёд корхоналар ўзларининг 140 хилдаги махсулотлари билан қатнашаётди. Улар ўз олдига маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан узоқ муддатли алоқалар ўрнатиш, тенг манфаатли шартномалар тузишдек эзгу мақсадларни қўйишган. Бунга амалда эришилаётгани эътиборга молик. Яъни ярмарканинг биринчи кунидaёқ мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган махсулотлар экспорти бўйича 5 миллион долларлик шартномалар имзоланди.

Дарҳақиқат, ярмарка саноат корхоналарига ўз махсулотлари кенгроқ таништириб, янги

ҳамкорлар топиш, келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантириш, жорий йил учун қўшимча битимлар тузиш имконини берапти.

Бу сафарги тадбир, шунингдек, янгиликларга бойлиги билан ҳам ажралиб турибди. Хусусан, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда тайёрлаш ўзлаштирилган инновацион материаллар ташриф буюрувчиларни бефарқ қолдирмапти.

Гап шундаки, соҳанинг 60 га яқин корхоналари ўзларининг салкам 70 хилдаги рақобатдош қурилиш ашёларини таклиф этаётган бўлса, шундан 14 таси янги махсулотдир. Айниқса, 3Д кафеллари барчанинг диққат-эътиборида. Компания бош мутахассиси Темур Муҳаммаджоновнинг фикрига кўра, бу корхоналар техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинаётгани, ишлаб чиқаришга инновацион ишланмалар кенг татбиқ этилаётгани самарасидир. Шунинг учун мазкур тадбир давомида 41 миллиард сўмлик махсулот олди-сотдиси бўйича шартномалар имзоланиши кутуляпти.

Таъкидлаш керакки, саноат ярмаркасида қатнашаётган корхоналарга бир қатор имтиёзлар берилган. Яъни бу ерда таклиф қилинаётган махсулотлар икки томонлама шартномалар асоси-



да, қўшимча тендер савдоларисиз етказиб берилди. Бундай қулайликлар ишлаб чиқарувчиларни фаолиятига инновацион ишланмаларни жорий этиш эвазига янги махсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришга руҳлантирмоқда. Бу борадаги изланишлар самарасидан эса ярмаркага ташриф буюрганлар хабардор бўлишади. Мисол учун, "Саноат энерго ускуна" масъулияти чекланган жамиятида юртимизда биринчи

бўлиб насос станцияларининг синхрон электр двигателлари учун платалар тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Айни пайтда корхонамизда "ТБ8-320" типидagi, шунингдек, юқори қувватли двигателлар учун "ТВ-360" ҳамда "ТВ-760" типидagi 8 хил плата ишлаб чиқарилапти, — дейди жамият бош энергетиги Хусниддин Шомайрамов. — Илгари бундай махсулотлар четдан келтирилиб эди. Шу боис уларга қизиқиш

Инсон ҳуқуқлари устуворлигининг ёрқин намунаси

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бинобарин, тегишли халқаро ҳужжатлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш билан бўғиқ нормалар қонунчилигимизда янада мукамал шаклда ифодаланган. Хусусан, Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар тўғрисидаги 52-Конвенцияда бир йиллик узлуксиз ишдан сўнг камида олти кундан иборат бўлган йиллик ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқи белгиланган бўлса, мазкур қонун қонунчилигимизда ўн беш кундан кам бўлмаган муддат тарзида қайд этилган. Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияда энг кичик меҳнат ёши ўн тўрт ёш этиб кўрсатилган бўлса, Ўзбекистонда меҳнат ёши ўн олти ёш, алоҳида ҳолларда, ўн беш ёшдан руҳсат берилиши акс этган. Яъни ўн беш ёшга тўлган ўсмирнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бун вақтида бажариши учун ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини

ҳати шундаки, республикамизда амалда бўлган меҳнатга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аёллар учун алоҳида имтиёзлар мавжуд. Масалан, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги Қонунга биноан, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланмаган муассасалар ҳамда ташкилотларда ишлаётган аёлларнинг иш вақти ҳафтага ўттиз беш соатдан ошмайди ва меҳнатига тўланадиган ҳақ камайитрилмайди.

Булардан кўринадики, Ўзбекистонда меҳнат қонунчилиги ва фуқароларнинг муносиб меҳнат шaroитларига бўлган ҳуқуқлари меҳнат соҳасидаги халқаро стандартларга тўла мос бўлиб, кўплаб масалаларда улардан афзалликка ҳам эгадир. Мазкур соҳада давлат органлари ҳамда фуқаролик институтларининг ижтимоий шериклик асосидаги сазъ-харакатлари айни мундоа бўлмоқда. Ҳар йили дунёда 28 апрель — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг ни-

шонланади. Сана муносабати билан юртимизда ҳам қатор тадбирлар, халқаро жамоатчилик иштирокида анжуманлар ўтказилади. Ана шу каби тадбирларда хорижий давлатлар вакиллари ҳамда халқаро экспертларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон қонунчилиги ва тажрибасини юксак баҳолашига гувоҳ бўлмоқдамиз. Аҳоли учун иш ўринлари яратиш, шу билан бирга, муносиб меҳнат шaroитини таъминлашга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар халқаро доирада эътироф этилиб, намуна қилиб кўрсатилаётгани бежиз эмас, албатта. Бу юртимизда инсон ва унинг манфаатларига олий қадрият даражасига кўтарилиб, барча соҳада, хусусан, меҳнатни муҳофаза қилишда ҳам оқилона ёндашувнинг, инсонпарварлик ҳамда ижтимоий адолат таъминини устуворлигининг ёрқин тасдиғидир.

Аҳмад ИСМОИЛОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари.

бир инсон кексалик чоғида ҳам эъзозу қадр топаётганидан бошим охсонга етади. Давра суҳбатлари ҳамда учрашувларга таклиф қилиш-

Ҳар бир кундан завқланиб яшаяпмиз

Бундан жуда хурсанд бўлдик. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳам кенг нишонланмоқда. Бундай тадбирлар ёшларни савобли ишларга, меҳр-оқибатли бўлишга қорлаш, шубҳасиз. Ана шундай лаҳзаларда Ўзбекистонда туғилиб ўсганимга шукроналар айтаман. Ватан тараққиёти йўлида ҳалол меҳнат қилган ҳар

ганида, ёшларга бундай инсонпарвар юртни қадрлаш кераклигини қайта-қайта таъкидлайман. Биз, кекса авлод вакиллари ҳар бир кундан завқланиб, миннатдорлик туйғуси билан яшаяпмиз. Бу Ватанимиздаги бунёдкорлик, тинч ва тотувликнинг ширин мевасидир.

Асаолхун САРИКОВ, уруш ва меҳнат фахрийси. Узуни тумани

Кўзларда қувонч, дилларда ғурур

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Республика тарғибот гуруҳи аъзоларининг Кўшкўпир туманидаги учрашувлари ҳам эртасми эгалари учун мазмунли кечди. Бу ерда уюштирилган "Одам савдоси — давр муаммоси", "Диний экстремизм ва терроризм — ёшлар келажигига таҳдид" мавзуларидаги давра суҳбатларида туман йигит-қизлари фаоллик кўрсатдилар.

— "Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" марафони ҳамда "Футбол-шоу" мусобақаси, айниқса, эсда қоларли тарзда эди, — дейди дзюдо бўйича жаҳон чемпионати совриндори, Урганч давлат университети талабаси Турсунношша Нурметова. — Фестивалда тенгқурларим билан фаол қатнашдик. Ёшларимизнинг қатъияти, ғайрат-шижоати, билим ва салоҳиятига ҳар қанча қойил

қолса, арзийди. Мен ҳам спортда қатор ютуқларни кўлга киритаятман. Шу йил Бразилияда бўлиб ўтadиган Паралимпия ўйинлари йўлланмасига эга бўлдим. Мақсадим, ана шу нуфузли мусобақада олтин медални кўлга киритиш.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" лойиҳасида эса кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиниб, уларга эсдалик совғалари улашилди.

Уч кун давом этган, қизгин тадбирлар, ҳаяжонли дамларга бой, байрамон руҳда ўтган фестивал Урганчдаги "Авесто" божаммуасида ташкил қилинган гала-концерт билан якунланди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида вилоят хокими П. Бобожонов сўзга чиқди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИР

Юртимизда тадқиқотчилар, айниқса, ёш изланувчиларнинг интилиши ва ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар томонидан таклиф қилинаётган инновацион гоғлар, лойиҳа ҳамда ишланмаларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ана шу мақсад рўёбига хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

Тадқиқотчиларнинг интилишлари қўллаб-қувватланапти

Пойтахтимизда бўлиб ўтган IX Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар Тошкент шаҳри ҳамда вилояти ҳудудий ярмаркасида 300 дан ортиқ саноат корхоналари, 800 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, талаба-ёшлар ўз ишланмалари билан қатнашди.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида уюштирилган мазкур тадбирда саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ҳамда бошқа йўналишларга оид жами 600 га яқин инновацион технология, ишланмалар намойиш қилинди. — Ярмаркада энергияни тежаш ва

ундан оқилона фойдаланиш мавзусидаги лойиҳа билан қатнашаётган, — дейди Тошкент давлат техника университети талабаси Сарвар Усмоналиев. — Маълумки, ҳозирги кунда автомобиль йўллари, кўчалар, хиёбон ва майдончалар, хизмат кўрсатиш шохобчалари электр энергияси ҳисобига ёритилади. Ишланманинг асосий мақсади сарфланаётган бундай энергияни унинг муқобил шакли, яъни шамол генератори асосида тежаш, шу орқали табиий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат. Тадбирда иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган янги техника ва технологиялар, илмий гоғлар сараланиб, уларни амалиётга самарали қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

«Спорт дунёси»га марҳамат

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётди.

Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 225 миллиард сўмдан ортиқ 35 та намунавий спорт объекти, 12 та сузиш ҳавзаси, 174 та мактаб спорт заллари фойдаланишга топширилди. Янгидан барпо этилаётган спорт мажмуалари, асосан, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозлари билан таъминлаётган диққатга сазовордир. Хусусан, айни пайтда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 119 таси ма-

ҳаллий корхоналаримизда тайёрланмоқда. Юртбошимиз таклифи билан жорий йил мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб номланган йил ҳамда тегишли Давлат дастури қабул қилиниб, унинг ижроси изчил таъминланаётгани бу борадаги муваффақиятлар кўламини бундан-да орттириши, шубҳасиз.

Кўргазмада "Made in Uzbekistan" ёрлиги остида ишлаб чиқарилаётган тренажёрлар, футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, теннис, стол тенниси, бадминтон, гимнастика, бокс, кураш, енгил атлетика, армрестлинг, ядро улоқтириши, велоспорт ва шахмат сингари спорт турлари учун инвентар ҳамда жиҳозлар, турли аксессуарлар, шунингдек, спорт либослари намойиш қилинмоқда. "Ўз-автосаноат" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар, "Стеклопластик", "Amadina", "Хўжаобод", "Машхим" каби масъулияти чекланган жамиятлари, "Мини Текс", "Asia Sport-S" сингари бизнес

субъектлари томонидан тақдим этилган махсулотлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотапти.

— Республикамизда ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун қатор имтиёзлар ва преференциялар яратилган, — дейди "Қалб-меъмори нури" хусусий корхонаси раҳбари Исмоил Юсупов. — Биз ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимиз раванқига ўз хиссамизни қўшишга интилоқдамиз. Айни пайтгача 45 турдаги спорт товарларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Улар сифат жиҳатидан хорижикидан асло қолишмайди. Нарҳи ҳам харидорларга маъқул келапти. Кўплаб таълим муассасалари, спорт мажмуалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ушбу кўргазма ўзаро тажриба алмашиш, янги шериклар топишимизда муҳим ўрин тутди.

"Спорт дунёси — 2016" кўргазмаси 30 апрель куни якунига етади.

Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АКАДЕМИК
ФАНИ АБДУРАҲМОНОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолукка учради. Ўзбек тилшунослиги соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Фани Абдураҳмонов 91 ёшида вафот этди.



Ф. Абдураҳмонов 1925 йилда Фарғона шаҳрида туғилди. 1946 йили Фарғона давлат педагогика институтини тугатганидан сўнг шу даргоҳда илмий-педагогик фаолиятини бошлади. 1950 йилда номзодлик, 1962 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини биргалликда олиб борган истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортқ меҳнат фаолияти давомида Фарғона давлат педагогика институтини кафедра мудири ва проректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтини директор мудири, Фарғона давлат педагогика институтини ректори, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат педагогика институтини ректори, Тил ва адабиёт институтини бош илмий ходими, Тошкент давлат шарқшунослик институтини профессори каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди.

И. КАРИМОВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИХОВ

КАРЬЕРА КУНИ

Бухоро давлат университетиде "Карьера кунини — 2016" ярмаркаси ўтказилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида ташкил қилинган мазкур анъанавий тадбирда шаҳардаги барча олий ўқув юрти фаол қатнашди.

Битирувчилар учун муносиб таклиф

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, йигит-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида виллоятимизда кенг қўламли саб-хунара оғиб олиб берилмоқда, — дейди Бухоро давлат университетининг маркетинг бўлими раҳбари Бахтиёр Адизов. — Мазкур йўналишда халқаро тажрибалардан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Жумладан, мусассама "Темпус" дастурининг олий ўқув юртидаги карьера марказлари фаолиятини кучайтириш ҳамда битирувчиларга сифатли иш жойларини яра-

тишга қаратилган лойиҳаси қолиби саналади. Мутахассисларимиз бу борада Европа тажрибасини ўрганиб, марказимиз фаолияти самарадорлигини оширяптилар. Мазкур ярмаркада талабаларимиз иштирокида 128 та уч томонлама шартнома тузилди. Тадбирда иш берувчилар малакали кадрлар орасидан энг муносибларини танилаб олиш, улар захирасини яратиш имконига эга бўлдилар. Ўз навбатида, ташкилотчилар ва соҳа мутахассислари томонидан қатнашчиларнинг меҳнат қонунийлигига оид саволларига атрафлича жавоблар берилди. Битирувчилар, олий ўқув юрти ҳамда иш берувчилар ўртасида жами 200 дан зиёд уч томонлама шартномалар тузилди. Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 17 май кунини соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган куйидаги кўчмас мулклар такроран куйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент виллоятини судининг 2013 йил 27 декабрдаги 2-195-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент виллоятини, Бўстонлик тумани, «Янгиовул» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 1195,11 кв.м., фойдаланиш майдони 468,26 кв.м., асосий бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 3 та бўлган куйи кўраси бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 172 158 469 сўм. 2. ЖИБ Тошкент виллоятини Қибрай тумани судининг 2012 йил 19 мартдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент виллоятини, Бўстонлик тумани, «Нанай» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 326,0 кв.м., фойдаланиш майдони 61,75 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонасидан иборат дала-ҳовли. Бошланғич баҳоси — 45 822 510 сўм.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Кубок мезбон жамоада қолди

Наманганда ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича "Камолот" кубоги республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.



Навоий, Сурхондарё, Жиззах, Наманган виллоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги касб-хунара коллежларидан 6 жамоа 2 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашди.

"Камолот" ЁИХ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунара таълими маркази, Ўзбекистон Футбол федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу турнирда Қорақалпоғистон Республикаси,

Наманган шаҳридаги Давлат-обод енгил саноат ҳамда Жиззах туманидаги маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунара коллежлари футболчилари барча учрашувда муваффақият қозониб, финалга чиқишди. Ишқибозлар билан тўлган "Навбахор" марказий стадионида кечган ҳал қилувчи баҳса мезбонлар Асрор Бахриддинов ҳамда Аббос Гуломовнинг голлари эвазига 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Учинчи ўрин учун ўтказилган ўйинда эса пойтахт вакиллари наввийликларни мағлуб этди (5:0). — Ёшларимиз мазкур мусобақаларда қатнашиб, нафақат маҳоратларини фўлқдан ўтказдилар, балки қўллаб янги дўстлар орттирдилар, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси мураббийи Алишер Жалилмурзаев. — Ўз навбатида, турнир қатнашчилари

Наманган шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари барчада унутилмас таассуротлар қолдирди. Қолибларни тақдирлаш маросимида мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг билим олиши, касб-хунара эгаллаши, спорт билан мунтазам шугулланиши, истеъдодини намойён қилиши учун барча шарт-шароит яратилаётгани таъкидланди. Совриндор жамоалар, шунингдек, "Энг яхши дарвозабон", "Энг яхши ҳимоячи", "Энг яхши ҳужумчи", "Энг яхши мураббий" номинациялари қолибларига виллоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан эсдалик совгалари топширилди. Яқунда эстрада хонандалари ҳамда ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт ҳам барчага манзур бўлди. Тадбирда Наманган виллояти ҳокими Х. Бозоров сўзга чиқди. Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

Долзарб масала муҳокамаси

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида иштирокчиларда содир этиладиган жиноятларга қарши курашнинг миллий тажрибаси, унинг бугунги ҳолати ҳамда қонунийлигини такомиллаштириш истиқболларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди.

АНЖУМАН

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридеги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, Юристар малакасини ошириш маркази, Адвокатлар палатаси, Олий ҳарбий божхона институти, Солиқ академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети ҳамда Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматлари ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Тадбирда жиноят қонунчилигининг иштирокчиликка оид нормаларини қўллашда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда хорижий давлатлар тажрибалари асосида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг бу борадаги нормаларини қўллаш амалиёти каби масалалар атрафлича муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, юртимизда жиноятчилик

турларига қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Ана шу савб-ҳаракатлар натижасида халқимиз тинчлиги ва осойишталиги таъминланиб, одамларнинг ҳаётдан розилиги, эртанги кунга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаяпти. Шунингдек, конференцияда иштирокчиликда содир этиладиган ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг изчиллигини таъминлаш, хусусан, фуқароларнинг, айниқса,

ёшларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, шу соҳа билан боғлиқ миллий қонунчилик ва унинг механизмларини янада такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги айтиб ўтилди. Анжуманда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш, иштирокчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгилаш, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари натижаларини ҳаётга кенг татбиқ этиш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди. Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«КОР ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2016 йил 14 мартдаги 1-3023/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда: 1. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, КХАЙ, Фарход ва лойиҳадаги Г.30,0М кўчалари оралигида жойлашган, умумий майдони 44,0 кв.м.дан иборат бўлган, 2 қаватли, Блок-15 даги савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуасининг 2-қавати. Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, КХАЙ, Фарход ва лойиҳадаги Г.30,0М кўчалари оралигида жойлашган, умумий майдони 57,0 кв.м.дан иборат бўлган, 2 қаватли, Блок-11 даги савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуасининг 2-қавати. Бошланғич баҳоси — 87 112 500 сўм. Аукцион савдосига 2016 йил 31 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такроран куйилмоқда: \* Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 9 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., тураржой майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та хонадан иборат уй-жой (ҳовли). Бошланғич баҳоси — 203 811 913 сўм. \* Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2013 йил 26 декабрдаги 1-578-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент виллоятини, Ангрэн шаҳри, Чикризов кўчасида жойлашган, ер

майдони 0,50 гектар, қурилиш ости майдони 850,0 кв.м.дан иборат бўлган, 2 қаватли, ертўлали, қурилиши битмаган бино. Бошланғич баҳоси — 372 828 744 сўм. \* Тошкент шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 5 декабрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган: — Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,20 кв.м.дан иборат тураржой. Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм. — Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Подшобог кўчаси, 61, 63-уйда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м.дан иборат икки қаватли тураржой. Бошланғич баҳоси — 1 900 129 000 сўм. Такрорий аукцион савдоси 2016 йил 17 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини «Кор тармоқи Ко'снмас мулк савдо» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400. Аукцион савдосига қуйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар (0-371) 249-54-59, 249-53-61. Хизматлар лицензияланган.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Жорий йил биринчи чорагида Япониядаги электрон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик компанияларга буюртмалар келиб тушиши ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 фоиз камайган. Бу ҳақда "Nikkei" нашри маълум қилди.

Буюртмалар ҳажми камайган

Хусусан, январь — март ойларида "Kucera", "Murata" "TDK" каби савдо белгилари остида тайёрланадиган яримўтказкич, сенсорли дисплей ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиш бўйича 11,33 миллиард АҚШ долларлик тақлифлар қабул қилинган. Ваҳолонки, 2015 йилнинг мазкур даврида ушбу кўрсаткич 49,36 миллиард АҚШ долларига тенг эди.

Ўзи таъмирлаб беради

Германиянинг "Volkswagen" ва "Daimler" автоконцернлари ўзларига тегишли "Audi", "Porsche", "Mercedes", "Volkswagen" ва "Opel" русумларидаги 630 мингта автомобилни техник носозлиги туфайли қайтариб олади. "Die Welt" нашрида баён қилинишича, ана шу транспорт воситаларидаги ис газини тозалаш механизмида нуқсонлар аниқланган. Улар ишлаб чиқарувчилар томонидан таъмирлаб берилди.

Такомиллаштирилган модель

"Breitling" (Швейцария) соатсозлик компанияси томонидан ўтган аср биринчи ярмида дунёда жуда машхур бўлган "Navitimer 1884" брендининг такомиллаштирилган модели яратилди. У санани кўрсатувчи мил, ҳафта ва ойни акс эттирувчи иккита туйнукча, тақвим, авиация логарифми чизиги билан бойитилган. Корпусининг диаметри 46 миллиметр бўлиб, тасмалари тимсоқ териси ҳамда каучукдан тайёрланган. Уларга самолёт шассиси тасвири туширилган.

Ихчам ҳамда тежамкор

Буюк Британиянинг "Shell" нефть компанияси дунёдаги энг тежамкор ва ихчам автомобиллардан бирининг концепциясини тақдим этди.

Шаҳар шaroитига мўлжалланган "Shell Concept Car" намунаси кузови узунлиги 2500, эни 1350, баландлиги эса 1600 миллиметрга тенг. Олти метр айлана-да қайрила олади. У 43 от кучига эга бўлиб, максимал тезлиги соатига 145 километрни ташкил этади. Хар юз километр масофада 2,64 литр ёнғилли саарфлайди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди. "O'suvloyiha" АЖ жамоаси собиқ директор Нурмат МУХИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ҳамда Касаба уюшма кўмитаси Ички назорат ва мониторинг бўлими собиқ бошлиги, иқтисод фанлари доктори, профессор Ҳотамжон РАИМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади. Тошкент давлат техника университети жамоаси бош ҳисобчи Хумайра Жабборовага онаси Раўиқа ОРИФҲУҶАЕВАнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларида кузатилаётган ижобий ўзгаришларда молия-банк тизимининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Айниқса, янги санат корхоналарини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, замонавий инфратузилма объектлари, кўркам тураржойлар барпо қилиш, қисқача айтганда, аҳоли турмуш фаровонлиги, иқтисодий-тимиз равангага қаратилган истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришда тижорат банкларининг молиявий кўмаги муҳим аҳамият касб этаётир. Бу жараёнда, хусусан, "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат банки фаол қатнашапти.

2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, банкнинг устав капитали 264,9 миллиард сўмга, умумий капитали эса 407,5 миллиард сўмга етгани унинг инвестициявий фаолиги янада ошишига мустақам замин яратди. Бундан ташқари, кредит портфели ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

«Ипотека-банк»:

# ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ФАРОВОН ТУРМУШ ИФОДАСИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодий тизимнинг таянч бўлини. Шу боис юртимизда мазкур соҳани жадал ривожлантириш, ишбилармонлиги фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бозор талабларига тез мослашиш, янги технологияларни жорий этиш, қўшимча иш ўринлари яратишда кичик бизнес субъектларининг имкониятлари гоятда катта. Бугунги кунда мамлакатимиз истеъмол бозорига эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми хусусий сектор вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Албатта, соҳа истиқболли сармояларсиз тасавур қилиш мушкул. "Ипотека-банк" бу борада тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори ва яқин кўмакчиси айтаётган бораётир. 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, мазкур соҳага қарийб 248,5 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шу жумладан, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ҳамда уларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун салкам 28,9 миллиард

## Кичик бизнесга катта кўмак

сўмлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини такомиллаштиришга 51,5 миллиард сўмликдан ортиқ кредитлар йўналтирилди. Таъкидлаш керакки, аҳолининг реал даромадлари ўсиб, турмуши тобора фаровонлашиб бораётгани туфайли уларнинг замонавий хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенгаймоқда. Бу эса ишбилармонлар зиммасига ана шу йўналишларда

янги-янги бизнес лойиҳаларини амалга ошириш вазифасини кўймоқда. "Ипотека-банк" жорий йилнинг биринчи чорагида қарийб 57,7 миллиард сўмлик микрокредитларни ушбу мақсадлар учун ажратгани бизнес вакиллари туфайли уларнинг замонавий хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам кенгаймоқда. Бу эса ишбилармонлар зиммасига ана шу йўналишларда

рига асос бўлмоқда. Бунда банк томонидан йигит-қизларнинг қарийб 5,4 миллиард сўмлик истиқболли лойиҳалари молиялаштирилгани, айниқса, эътиборга лойиқ. Шу билан бирга, ёш оилаларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйиши учун 3,4 миллиард сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди. Бунинг ҳисобидан 3400 тадан зиёд иш ўринлари яратилиб, минглаб оила-

лар доимий даромад манбаига эга бўлди.

Юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида чекка ва олис қишлоқларда энг илгор технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқариш субъектлари,

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда. "Ипотека-банк" жамоаси эса мазкур ҳужжат ижроси доирасида соҳага йўналтирилаётган сармоялар миқдорини мутасил кўпайтириш пайидан бўлаяпти. Шу йўналишдаги лойиҳалар учун 70,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши туфайли жойларда кўплаб кичик корхоналар ташкил этилиб, мавжудлари тубдан модернизация қилинди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган бизнес лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун эса 35,2 миллиард сўмлик яқин кредитлар сарфланди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжалиқларининг моддий-техника базасини мустақамлаш имконини берди.

"Ипотека-банк" фаолиятида инвестициявий лойиҳаларни танлаш, таҳлил қилиш, уларни миллий ва хорижий валютада кредитлаш ишлари йил сайин ривожланиб бормоқда.

## Инвестициявий жозибдорлик

Зотан, йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаш имкониятига эга бўлган мазкур банк жамоаси бу жараёнда асосий эътиборни ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантириш, иқтисодийнинг реал секторига замонавий технологияларни киритиш ва янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган лойиҳаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Натижада ўтган йил мобайнида 787,7 миллиард сўмлик инвестициявий кредит-

лар ажратилган ҳолда, йил якунига келиб, бундай кредитлар портфели эга бўлган мазкур банк жамоаси бу жараёнда асосий эътиборни ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишни ривожлантириш, иқтисодийнинг реал секторига замонавий технологияларни киритиш ва янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган лойиҳаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Натижада ўтган йил мобайнида 787,7 миллиард сўмлик инвестициявий кредит-

"Ипотека-банк" аграр соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси сифатида мингдан ортиқ миқозлари, яъни қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар, фермер ҳамда деҳқон ҳўжалиқларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

## Аграр сектор тараққиётига камарбаста

Буни 2015 йилда ушбу соҳага ажратилган кредитлар ҳажми 63,6 миллиард сўмликдан ортгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, қишлоқ мулкдорларига янги техникалар сотиб олишлари учун 460 миллион сўмлик, қорамоллар бош сонини кўпайтиришга 466 миллион сўмлик, паррандачилик ривожини кўпайтиришга 92,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Аграр секторда катта улушга эга бўлган шахсий ёрдамчи ҳўжа-

ликлар фаолияти ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Яъни аҳоли томорқаларига кўчатчиликни йўлга қўйиш, мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш мақсадларига 939 миллион сўм миқдорда микрокредитлар берилди. Банк томонидан, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига иссиқхоналар ташкил этишга 200 миллион сўмлик, балқичиликни ривожлантиришга 92,3 миллиард сўмлик кредитлар берилгани диққатга сазовордир.



## Бунёдкорлик учун сармоя

Истиқбол йилларида шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, кун сайин чирой очмоқда. Бу юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий, қулай ҳамда кўркам тураржойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиш, ҳудудларни ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир.

"Ипотека-банк" сармояларининг салмоқли қисми ана шундай хайрли ишларга йўналтирилаётгани таҳсинга молик. Банк томонидан молиялаштирилаётган уй-жойлар аҳолининг кенг қатлами,

электрон ҳисоб-китоб тизими ҳаётимизга шунчалик чуқур кириб келдики, эндиликда қундалиқ турмушимизни унингсиз тасавур қилишимиз мушкул. Чунки мазкур усул ҳар томонлама қулай ва тезкор бўлиб, энг аввало, қимматли вақтимизни тежайди. Унинг ёрдамида тўловларни ҳатто ташқарига чиқмай амалга ошириш имконияти мавжудлигини айтмайсизми?!

## Ҳисоб-китобнинг қулай тизими

"Ипотека-банк" 2012 йилдан бошлаб "UZCARD" миллий банклараро пластик картчалар тўлов тизимини жорий этган. 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, муомаладаги картчалари сони 1,516 миллиондан, савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллари эса 19 минг 335 тадан ошди. Пировадига шу йил бошидан буён банк пластик картчалари орқали 1,2 триллион сўмлик тўловлар амалга оширилди. Утган йили банк томонидан Ўзбекистон Респуб-

ликаси Молия вазирлигининг Ҳазначилик бошқармаси мутахассислари билан ҳамкорликда электрон қайднома яратилгани миқозлар учун яна бир қулайлик бўлди. Гап шундаки, мазкур тизим орқали бюджет корхоналари ва ташкилотлари ишчи-хотимларининг ойлик иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлари "UZASBO" (Ўзбекистон Бюджет ташкилотларининг автоматлаштирилган тизими) дастури орқали банкда очилган "UZCARD"

шу жумладан, ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобига сотилмоқда. Бу уй-жой сотиб олиш истагидаги 4300 та оила аъзолари учун яна бир қулайлик, эътибору ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Бугунги кунга қадар банк томонидан 2619 хонадонли 92 та уйни қуриш учун 344,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, 1374 хонадонли 44 та уй фойдаланишга топширилди. Қолганларида эса қурилиш ишлари жадал давом эттирилаётир. Бунинг учун банкнинг яна 345 миллиард сўмлик имтиёзли кредити йўналтирилди. Мазкур уй-жойлар жорий йил охиригача қуриб битказилиши кутулапти.

пластик карталарга автоматлаштирилган тарзда кириб қилинади.

Янги тизимнинг афзаллиги, энг аввало, иш ҳақи қайдномалари электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда, Ҳазначилик бошқармасининг "UZASBO" дастуридан банкка ҳимояланган, махсус канал орқали тезкор жўнатилиб, миқозларнинг пластик картча ҳисобварақларига пул маблағлари автоматлаштирилган равишда кириб қилинишидир. Бу эса иш ҳақи қайдномаларининг қозғоқ ҳамда электрон кўринишидаги шакллари билан банкка тақдим этиш учун сарфланадиган вақтни тежайи имконини беради.



**2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, "Ипотека-банк"нинг устав капитали 264,9 миллиард сўмга етди.**

"Ипотека-банк" жамоаси мамлакатимизда иқтисодий тармоқларини ислоҳ қилиш ва янгилаш, халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш ҳамда сифатини яхшилаш борасида белгилаб олинган устувор вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўймоқда. Зеро, унинг молиявий сиёсати, энг аввало, юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган бўлиб, келгусида ҳам бу йўлдан огишмай бораверади.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000,

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.

Навбатчи — Д. Улуғмуродов.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси